

Qabul qilindi: 06.01.2025

Chop etildi: 28.02.2025

UDK: 904

ХИВА “ИЧАН-КАЛЪА” ДАВЛАТ ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ МУЗЕЙ КЎРИҚХОНАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Бабожонов Дилмурод Комилович, Хоразм Маъмун академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



THE STATE HISTORICAL AND ARCHITECTURAL MUSEUM-RESERVE “ICHAN-KALA” IN KHIVA

Babajanov Dilmurad Komilovich, Senior Researcher, Department of Social and Humanitarian Sciences, Khorezm Academy of Mamun, Doctor of Philosophy in History (PhD)

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ГОСУДАРСТВЕННОГО ИСТОРИКО-АРХИТЕКТУРНОГО МУЗЕЯ-ЗАПОВЕДНИКА “ИЧАН-КАЛА” В ХИВЕ

Бабаджанов Дилмурод Комилович, старший научный сотрудник отдела социальных и гуманитарных наук Хорезмской академии Маъмуна, доктор философии по историческим наукам (PhD)

<https://orcid.org/0009-0007-5449-5984>

e-mail:
dilmurodbek1602@gmail.com

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда 1970 йилларда ташкил қилинган Хива “Ичан-Қалъа” давлат тарихий-меъморий музей кўриқхонасининг ташкил қилиниши тарихига оид ҳужжатлар манбалар ососида баён этилади.

Калим сўзлар: Хива, Кўҳна Арк саройи, музей, этнография.

Abstract: The article, based on sources, describes the history of the creation of the Khiva State Historical and Architectural Museum-Reserve “Ichon-Kala”, created in Uzbekistan in the 1970s.

Key words: Khiva, Kuhna Ark Palace, museum, ethnography.

Аннотация: В статье на основе источников описана история создания Хивинского государственного историко-архитектурного музея-заповедника “Ичан-Кала”, созданного в Узбекистане в 1970-е годы.

Ключевые слова: Хива, дворец Кухна Арк, музей, этнография.

КИРИШ. Мақолада “Хива “Ичан-қалъа” давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхона фаолиятининг асосий йўналишлари – музей коллекцияларининг тўпланиши, экспозицияларнинг ташкил этилиши ва фаолияти, тарихий-меъморий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва мақсадли фойдаланиш, аҳолига тарғибот ишлари олиб бориш масалалари батафсил таҳлил қилинган.

Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгашининг 1969 йил 21 июлдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Хива “Ичан-қалъа” давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси ташкил қилин-

ган[1]. Музей кўриқхонасининг ташкил қилиниши ва ривожланишига Давлат мукофоти лауреати, халқ рассоми Абдулла Болтаев, адиб ва драматург Юнус Юсупов – Айёмий, журналистлар уюшмаси аъзолари Мадамин Ёқубов, Анвар Исмаилов, Ю.Рўзметов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Т.В.Середа, Собиржон Юсуповлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар.

Хива “Ичан-қалъа” давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси ташкил этилган пайтда унинг таркибида қуйидаги бўлимлар фаолият кўрсатди: Совет даври бўлими (1920-

1970 йй) – 7 та музей залидан ташкил топган; Тарих даври бўлими (Ибтидоий жамоа тузуми давридан – Хива хонлиги тугагунча – 1920 йил 2 феврал) – 2 та музей зали ва 2 та интерьердан иборат. Табиат бўлими – эски масжид (Оқ масжид) биносида жойлашган ва иккита диарамадан иборат.

Архив ҳужжатларига кўра, сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб борган, сайёҳлик мавсумий эканлигини ҳисобга олсак, музей-қўриқхона бир кунда 10 минг кишига хизмат кўрсатди. Музей-қўриқхонага 1970 йилда 200 минг нафар; 1971 йил 232 минг нафар; 1972 йилда 237 минг 951 нафар; 1973 йилда 238 минг 125 нафар, жумладан, 5357 нафар хорижий сайёҳ; 1974 йилда 289 минг 9 нафар, жумладан 7 минг 3 нафар хорижий сайёҳ ва 1975 йилда 382 минг нафар, жумладан, 8900 нафар хорижий сайёҳ, 1991 йилда 100 минг нафар, жумладан 1400 нафар хорижий сайёҳ, 2018 йилда 355 минг нафар, жумладан 144.000 нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрган.

Музей-қўриқхонага ташриф буюрадиган маҳаллий сайёҳлар таркибини асосан мактаб ўқувчилари (45%), талабалар (20%), колхозчилар (20%), шунингдек, ишчилар (10%) ва хизматчилар (5%) ташкил этди. Ёш жиҳатидан 7–17 ёш – 45%, 17–30 ёш – 35%, 30–55 ёш – 12% ва 55 ёшдан юқори 8 % [2].

Хива “Ичан-қалъа” давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонасининг қайта шаклланган фонди қуйидаги коллекциялардан ташкил топган. Хива музейи 1920 йилда ташкил этилган, фонд шу даврдан шакллана бошлаган бўлса-да, унинг тўлақонли фондга айланиши, фондни юритиш ишлари 1970-90-йилларда амалга оширилди. Дастлаб фонд ишлари ўз ҳолича, 1968 йилгача Музейлар бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган “Музей фондларини ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар” (1947 й.) шу йилдан бошлаб “Асосий фондлар таркиби ҳақида”ги (1968 й.) ҳужжатга асосан юритилди. Барча музейларга ягона намунадаги инвентарь китоблари ишлаб чиқилиб тарқатилган [3].

Музей-қўриқхона ташкил этилгунча, музей фонди Тош ҳовли саройининг ҳарам қисмида жойлашган бўлиб, фонднинг бу даврларга оид инвентарь китоблари сақланмаган. Фақатгина 1943 йилдаги топографик рўйхат сақланиб қолган. “Хоразм тарихий-инқилобий музейи” ягона фонди инвентарь китоблари 1966

йилдан рўйхатга олиниб, шу кунгача амалда юритилмоқда.

1970 йилда Хива “Ичон қалъа” давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонасининг Илмий кенгашида ҳам қуйидаги масалалар кўриб чиқилган: музей-қўриқхонада мавжуд барча экспонатларни музейнинг кирим ва инвентарь китоби орқали қайта текширувдан ўтказиш; барча музей экспозицияларини ёнғин ва қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш; янги экспозициялар ташкил қилинганда меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя этиш (ёнғин ва қўриқлаш воситалари, ёпиқ турдаги витриналар), қўйилган талаблар тўлиқ бўлгандагина музей фондидан экспозицияга экспонатлар бериш; музей фондидаги барча қимматбаҳо тошлар ва металлдан ишланган буюмларни рўйхатга олиш ва алоҳида рўйхат асосида зарур вақтда экспозицияларга чиқариш.

Бу ишларнинг бажарилишига шахсан музей директори ва фонд бошлиғи жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳамда янги музей низомига киритилиши белгилаб берилди. Шу даврдан бошлаб музейнинг режа ва ҳисоботларида “Илмий – фонд ишлари” деган атама ишлатила бошланди [4].

Хива “Ичан-қалъа” давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонасининг музей фонди жамламалари қуйидагилардан иборат:

Ноёб китоб ва ҳужжатлар тўплами, Фото-негативлар тўплами, Қурол-аслаҳалар тўплами, Археологик топилмалар тўплами, Нумизматика музей-қўриқхона фондидаги жами экспонатларнинг тўртдан бирини ташкил қиладиган тўпламдир, Эсдалик медаллари ва кўкрак нишонлари тўплами, Кулолчилик ва кошинпазлик тўплами, Мис ўймакорлиги тўплами, Мухрлар тўплами, Ёғоч ўймакорлиги буюмлари тўплами, Мармар ўймакорлиги буюмлари тўплами, Заргарлик тўплами, Чинни буюмлар тўплами, Гиламлар тўплами, Чолғу асбоблари тўплами, Тўқимачилик буюмлари тўплами, Либослар тўплами [5].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Ушбу мавзуга оид адабиётларни шартли равишда 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ – совет даврида яратилган илмий адабиётлар бўлиб, бу асарларда музей тарихи ўша давр руҳида, ўз даври мафкурасига

хизмат қилган ҳолда ёритилган ва у тадқиқотда танқидий нуқтаи назардан ўрганилди.

Иккинчи гуруҳ – Мустақиллик йилларида яратилган адабиётлар бўлиб, улар бугунги кун тарих фанининг янги методологик тамойиллари асосида ёритилаётгани билан аҳамиятга эга.

Учинчи гуруҳ – хорижий адабиётлар ҳисобланади. Хива шаҳри меъморий обидалари ва музей экспонатларига хорижий олимларнинг қизиқиши доимо юқори бўлган. Айниқса, мустақилликдан кейин хорижий илмий тадқиқот ишлари янада фаоллашди.

Тўртинчи гуруҳ – умумий оммабоп адабиётлар бўлиб, уни турли даврларда Хива шаҳрига ташриф буюрган сайёҳларнинг хотиралари, Хоразм, жумладан Хива шаҳри билан боғлиқ тадқиқотлар, давлат арбобларининг ташрифи билан боғлиқ маълумотлар ташкил этади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Тадқиқотда обективлик ва тарихийлик принциплари асосида, маълумотларни қиёсий таҳлил этиш ва статистик усулдан фойдалаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонасини тарихи ва фаолиятини ёритишдан иборат, XX аср ва XXI аср бошидаги Ўзбекистон тарихини, жумладан Хоразм тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонасининг фондида сақланаётган буюмлар, архив ҳужжатлари, расм-тасвирларга муҳрланган тарихий воқеалар, музей экспозицияларидаги намоиш қилинаётган асл нусха экспонатлар тарғиботига хизмат қилиб, Ўзбекистон тарихи ва музейшунослик фанларидан дарс жараёнида, амалий машғулотларда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот материаллари Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари олиб борадиган мутахассисларга Ўзбекистон тарихига оид ўқув қўлланма ва рисоалар тайёрлашда ёрдам беради.

ХУЛОСА. Хива музейига 1920 йилда расман асос солинган. Хоразм муваққат инқилобий ҳукумати, Хоразм халқ совет республикаси қарори билан ҳудуддаги ноёб буюмлар тўпланди. Музей ишларига маориф нозир Мулла Бекжон Раҳмонов раҳбарлик қилди. Ҳужжатларда Халқ музейида 2000 та экспонат бўлганлиги қайд қилинади. Музей

фаолиятини ривожлантиришда Полвонниёз ҳожи Юсупов, Худойберган Девонов, Ҳасанмурод қори Лаффасий ва бошқалар муносиб ҳисса қўшганлар. Музейлар маданият, маориф соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилган.

1967 йилда Хива тарихий меъморий музей-шаҳар деб эълон қилинди. 1969 йил 21 июль 343-сонли Ҳукумат қарорига мувофиқ Хива “Ичан-қалъа” давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси ташкил қилинди. 1969-1990 йилларда Совет даври бўлими (7 та кўргазма зали), Тарих даври бўлими (2 та кўргазма зали ва 2 та интерьер) ва Табиат бўлими (Оқ масжид ва иккита диорама) Хоразм амалий санъат бўлими (Қози Калон мадрасаси), Аваз Ўтар экспозицияси (Қутлуг Мурод иноқ мадрасаси), Абу Али ибн Сино экспозицияси (Олоқулихон мадрасаси), “Хива шаҳри тарихи” экспозицияси (Матпанобой мадрасаси) фаолият кўрсатди. 1977 йилда музей фондидаги 19 мингга яқин экспонатлар қайта рўйхатга олинди.

Ҳозирда “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонасида 56 та тарихий меъморий иншоот жойлашган, 19 та экспозиция ва бўлимлар фаолият юритади.

Музей-қўриқхона фондида жами 58 минг экспонат, жумладан 36 минг асосий фонд экспонатлар сақланмоқда. Замонавий музейшунослик тамойиллари асосида янги экспозициялар ташкил этилмоқда. Турникет, аудиоид, 3D, қўшилган реаллик, QR код, смарт откритка каби янгиликлар жорий этилди[6].

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хива “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси архиви №07. 162 б.
2. Хива “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси архиви №07.127-229 б.
3. Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А. – Москва.
4. Хива “Ичан – Қалъа” давлат музей – қўриқхонаси каталоги. 2-жилд. - Т., 2006. 5-б.
5. Хива “Ичан – Қалъа” давлат музей – қўриқхонаси каталоги. 1-жилд - Т., 2006. 5-б.
6. Д.К.Бабожонов. Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси тарихи 1920-2020 йиллар. Монография. Урганч, 2024 й.88, 92, 110-бетлар.